

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РИСКЛАРИНИ БОШҚАРИШНИ РАҚАМЛАШТИРИШНИНГ ИЛҒОР ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ

Б.Алимов

АТ “Халқ банки” Ички аудит
департаменти директори

Банкларда юқори даражали янги рискларни юзага келтирувчи молиявий инструментларнинг пайдо бўлиши натижасида уларда корпоратив бошқарувнинг роли ортиб бормоқда. Бутун банк тизимида турли хилдаги рискларнинг бир-бири билан боғлиқлиги кун сайин ортиб, мураккаблашмоқда. Рискларни бартараф этиш ва ўз рақобатбардошлиklarини таъминлаш мақсадида ҳар бир банк ўзининг максимал даражадаги самарали бўлган корпоратив бошқарув методларини топишга интилади¹.

Акциядорлик жамиятлари шаклидаги банклар фаолиятини бевосита акциядорлар, банк кенгаши ва бошқарув менежерлари бошқаради. Масъулиятнинг катта қисми Банк кенгаши зиммасига тўғри келиб, улар акциядорлар манфаатларини ифода этади ва ҳимоя қилади. Банк кенгаши аъзолари уларнинг ишончли вакили ҳисобланиб банк активларини ҳимоя қилишга мажбур бўлиб, банк, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ўз манфаатларидан ҳам юқори кўришади.

Банк фаолияти акциядорлар капиталини ошириш ва корпоратив фойдани кўпайтиришга йўналтирилган бўлиши ва бунинг натижасида ҳар бир акция баҳоси қимматлашиши лозимдир. Аммо халқаро амалиётда йирик корпорация ва тижорат банкларининг самарасиз бошқарилуви ва бошқа сабаблар туфайли акциядорлар капиталининг самарасиз айланиши, банкротлик ҳолатларининг юзага келиши кузатилмоқда.

Шу сабабли акциядорлар малакали ва профессионал раҳбарларни ёллашади, бунинг эвазига эса ўзлари томонидан сарф қилинган капитал маблағларни самарали бошқарилишини талаб этишади. Аммо худди мана шу вазиятда “манфаатлар зиддияти” номли машҳур муаммо юзага келиб, акциядорлар ва менежерлар манфаатлари бир-бирлари билан тўғри келмаслиги ёки умуман тесқари бўлиши ҳам мумкин. Масалан: банк акциядорлари аниқ муддатларда катъий тўланадиган дивиденд олишдан манфаатдордир. Бошқарувчилар нуктаи назарида дивидендга

¹ Makhmudov S. Тижорат банкларида корпоратив бошқарувни жорий этиш хусусиятлари //архив научных исследований. – 2020. – Т. 33. – №. 1.

Йўналтириладиган маблағлар кўпроқ фойда олиш учун бошқа мақсадларга инвестиция қилинишини хоҳлашади. Бундай турдаги зиддиятлар асосан лойиҳаларни тасдиқлашда юзага келиб, акциядорлар кам рискли ва ҳатто кам фойда келтирувчи соҳаларга инвестиция қилишни афзал кўришади, бошқарувчилар эса риск даражаси юқори бўлган ва натижада катта молиявий кўрсаткичларга эга бўлиши мумкин бўлган соҳаларни ёқтиришади.


Зиддиятларни минималлаштириш учун ҳам Банк кенгаши ташкил қилиниб, акциядорлар ва омонатчилар манфаатларини ҳимоя қилишга уринишади. Бундай ҳимоянинг самарали бўлиши банк ва бошқарувчи органнинг умумий манфаатлари қанчалик мос келиши билан асосланади. Манфаатлар зиддияти корпоратив бошқарувнинг ажралмас бир қисми бўлиб, унинг муҳимлигини халқаро тажриба билан таққослаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Корпоратив бошқарувнинг ривожланиши халқаро амалиятда турли хиллиги билан фарқланади. Корпоратив бошқарув тизими орасидаги турли тафовутлар кўпинча аутсайдер ва инсайдер тушунчаларини умумлаштириш билан боғлиқ.

Биринчи ҳолатда компания акциялари кўп бўлмаган, бир нечта субъектлар ўртасида жамланганда, компания бошқаруви устидан назорат ўрнатиш корпорация инсайдерларига тегишли бўлади ва бу вазиятда ташқи бошқарув тизими бўлган кўшиб олиш, эгаллик қилиш ва бошқа тизимлар ҳеч қандай роль ўйнамайди. Инсайдерлар томонидан компаниялар фаолиятини назорат қилиш уларнинг кенгайиши истикболини чеклаб қўяди ва манфаатдор шахслар таркибини кам сонли акциядорлар ташкил этади. Аутсайдерлар тизими доирасида эса компания капиталлари асосан тарқоқ, сочилган тарзда бўлади ва турли ҳолатларда фаолият назорати акциядорлар томонидан билвосита усулларда, яъни капитал бозори, мустақил директорлар орқали амалга оширилади.

Халқаро амалиятда корпоратив бошқарувнинг “америкача”, “немисча”, “японча” моделлари мавжуд бўлиб, бошқарувнинг ўзига хослиги банк тизими билан боғлиқдир.

Корпоратив бошқарувнинг моделлари бир-бирларидан анча узоқда географик жиҳатдан жойлашувидан келиб чиқиб, ушбу моделлар 1-расмда белгиланганидек, ўзига хос тарзда номланади.



1-расм. Корпоратив бошқарув моделлари².

Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, тадқиқотчилар акциядорлик компанияларни бошқаришнинг инглиз-америкача, немис ва япон моделларини ажратадилар. Уларнинг ҳар бири ҳам кучли, ҳам заиф томонларга, ўзига хос агентлик чиқимларига эга. Инглиз-америкачи моделда асосий эътибор акциядорларга берилса, немис ва япон моделларида акциядор ва бошқа манфаатдор шахслар (кредитор, ходимлар, ишбилармонлар ҳамжамияти, экологик ташкилотлар ва ҳ.) манфаатларининг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш алоҳида аҳамиятга эга³.

1. Унитар модел. Корпоратив бошқарувнинг бир бўғинли модели АҚШ, Буюк Британия, Австралия каби мамлакатлардаги компанияларга хос ҳисобланганлиги боис, ушбу моделни "англо-америкача" ва "аутсайдер" деб ҳам номланади.

Ушбу модел унитар деб аталишига сабаб, компания фаолиятларини бирлашган директорлар кенгаши (директорлар ва менеджерлар билан бирга) олиб боради. Директорлар кенгаши таркибида ижрочи директорлар (айни пайтда, компания менеджерлари ҳам бўлиши мумкин) ва жалб қилинган мутақил директорларнинг ўрталаридаги функциялари дифференциялашмаган (алоҳида ажратилмаган) бўлиб, яхлит олганда, кенгаш компаниянинг иши учун жавобгар ҳисобланади.

Мазкур давлатлардаги компанияларнинг капиталлари эгалари бўлиб, асосан, институционал ва хусусий инвесторлар ҳисобланиб, улар курсдаги фарқ ҳисобидан қисқа муддатлар ичида фойда олишни мақсад қилиб қўядилар. Шу билан бирга, ушбу моделга асосланган мамлакатларнинг қонунчилигида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мажбурий тарзда ошкор этиладиган маълумотлар рўйхати белгиланган бўлиб, фонд

² Абдуллаев Отабек Олимжон ўғли. "Ривожланган мамлакатларда корпоратив бошқарув фаолиятини Ўзбекистонда татбиқ этиш йўллари"

³ Ш.Бобоҳўжаев Тижорат банкларида корпоратив бошқарув моделлари // Корхонани бошқариш журнали. №2(32)-2010. 19-б.

бозорларида листингдан ўтган компаниялар томонидан таъминланиши шартдир.

Шу билан бирга, ушбу моделга асосланган мамлакатларнинг қонунчилигида акциядорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун мажбурий тарзда ошқор этиладиган маълумотлар рўйхати белгиланган бўлиб, фонд бозорларида листингдан ўтган компаниялар томонидан таъминланиши шартдир. Бундан ташқари, компаниялар корпоратив бошқарувида банклар унча катта аҳамият касб этмайди. 1933 йилда қабул қилинган "Гласса-Стигал" қонунига асосан банкларга бошқа компанияларнинг 5 фоизгача бўлган овоз берувчи акцияларга эгадик қилиш таъқиқлаб қўйилган.

Келтирилган маълумотларга асосан, мазкур моделнинг асосий иштирокчилари ҳисобланадиган акциядорлар, директорлар ва менеджерларнинг ҳуқуқ ва жавобгарликларини белгиловчи ҳуқуқий (чегаравий) тузулмаси мавжуд бўлиб, барча муҳим қарорлар акциядорларнинг маъқулланишидан кейин ижро этилиши борасида акциядорлар, директорлар ва менеджерларнинг муносабатларида самарали йўлга қўйилган алоқаларига (механизм) таянади.

Ушбу моделнинг фарқли жиҳатларидан бири, акциядорлик капиталининг майдалангани бир акция эгаси ўзига тегишли акция(лар)нинг бошқа шахсга сотиш ҳақидаги қарорини нисбатан осон қабул қилиши мумкин.

Банк тизимига оид "Америкача" модели тижорат ва инвестицион-банклар фаолиятига бўлиниши билан асосланади. Бундай бўлинишга бўлган зарурият аҳоли томонидан тақдим этиладиган омонатлар фавқулодда таваккалчиликларга дучор қилинмайди. Яна бир муҳим томони иштирокчиларнинг кўп сони билан ажралиб туради. Булар: бошқарувчилар, директорлар, акциядорлар (асосан институционал инвесторлар), ҳукумат тузилмалари, биржалар, консалтинг фирмалари ва бошқалардир. Ушбу моделга яқка тартибдаги ва корпорациядан мустақил бўлган акциядорларнинг бўлиши, шунингдек, бошқарувчилар, директорлар ва акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи аниқ ишлаб чиқилган қонунчилик базаси ҳосдир. Банкларнинг ушбу моделдаги роли катта эмас, унда бошқарувнинг ягона коллегиял органи – директорлар кенгаши кўзда тутилган бўлиб, унга акциядорлар ва ижро органи раҳбарлари киради, шунингдек АҚШ қонунчилигига кўра бош директор ва компания директорлар кенгаши раиси

лавозимларини қўшиб олиб боришга рухсат берилган бўлиб, бундай ҳолатни 80 фоиз компаниялар фаолиятида кузатиш мумкин⁴.

Бошқарувнинг “Немисча ёки континентал модели” уч бўғинли бўлиб, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва бошқарувдан иборатдир. “Немисча” моделни қўлловчи мамлакатларда маълум даражадаги концентрацияни кузатиш мумкин. Йирик немис компанияларида бешта йирик компаниялар ҳиссасига уларнинг ҳар бири акцияларининг 40 фоиздан ортиқроғи тўғри келади. Бу эса инглиз фирмалари мол-мулки концентрацияси даражасидан икки баравар ва Шимолий Америка фирмалари мол-мулки концентрацияси даражасидан 60 фоизга юқоридир. Германияда акциядорлик компанияларининг 71 фоиздан кўпроғида мулкдор акцияларининг 50 фоизини назорат қилади, 35 фоиз акциядорлик компанияларида эса акцияларининг ҳамма 100 фоизи битта мулкдорга тегишли.

Германияда якка тартибдаги инвесторлар-жисмоний шахслар ҳиссасига 17 фоиз акциялар тўғри келади, корпоратив инвесторлар эса немис компаниялари акцияларининг 64 фоизини назорат қилади (22% молиявий институтлар, жумладан банклар, суғурта компаниялари, пенсия жамғармалари ва бошқалар, 42% номолия корпорациялари). Бундан ташқари Германия коопорациялари капитали тузилмасида хорижий инвесторларнинг (14%) ва давлатнинг (5%) ҳиссаси катта, бу эса Англиядаги худду шундай кўрсаткичлардан икки баравар юқори.

Германияда директорлар кенгашида раислик қилиш ҳуқуқи кўпинча банкларга берилади. Энг катта акциялар пакетлари эгаларининг манфаатларини тижорат банклари ҳимоя қилади.

Шундай қилиб, Германияда корпорациялар устидан банк назорати тизими қарор топган. Германия моделининг асосий ютуғи деб ижтимоий ўзаро таъсир тамойилининг амал қилиши деб эътироф этилади, ушбу тамойил корпоратив муносабатларда барча иштирокчиларнинг манфаатларини ўзаро мослаштиришга қаратилган. Шунингдек, барча иштирокчиларни узоқ муддатли мақсадларга бўйсундиради, корпорация барқарорлигини ва улар ўртасидаги алоқаларнинг турғунлигини оширади. Камчиликларга эса немис компанияларининг етарлича мослашувчан эмаслиги, рискдан қочишлари, айрим қарорларни тез қабул қила олмасликлари киради.

3. Тармоқ (Япон) модел. Япония (кейретсу), Корея (чаэбол) компанияларига хос бўлган модел. Японияда корпоратив бошқарувнинг

⁴ Кудратов С.Р., Назарова М.Н. Банкларда корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. –Т.: «IQTISODIYOT», 2019.

асосий иштирокчилари бўлиб, банклар ва молия-саноат гуруҳлари (кейрецлар)дан иборат ҳисобланади. Япон компанияларининг деярли барчаси ўзининг банки билан узвий муносабатлар ўрнатган. Бу жараёнда тегишли банк ўз корпоратив миждозларига кредит беради, яъни бош кредитор ҳисобланади, йирик акциядор, акция ва облигациялар чиқарилуви бўйича молиявий маслаҳатчи ва инвестицион таҳлилчи вазифасини бажаради. Шунингдек, инқироз пайтида бошқарувчи, кичик компанияларда ҳисоб-китобларни юритиш ва консалтинг хизматларини кўрсатувчи, венчур капиталининг манбаи ролини ўйнайди⁵.

Япон модели мазмунига кўра америка моделига ҳам, германия моделига ҳам ўхшамайди, бироқ иккала моделнинг айрим хусусиятларини ўз ичига олган: - директорлар кенгаши таркибида мустақил Директорлар бўлмасдан, Кенгашнинг барча аъзолари юқори бошқарув органи вакиллари ёки эски бошқарувчилардир; - акциядорлик сармоясини асосан йирик инвесторлар ташкил қилиб, ягона саноат гуруҳига аъзо бўлган компанияларнинг ўзаро акцияларига эгаллик қилиш ҳолати муҳим ўрин тутаяди; - компанияга ходимларни умрбод ишга қабул қилиш тартиби мавжуд; - инсайдерларнинг етакчилиги кузатилади.

Корпоратив бошқарувнинг “Японча” модели Иккинчи жаҳон уруши даврида америкалик мутахассислар тазйиқи остида шаклланган. Ушбу модель “Асосий банк тизими” номига асосланган бўлиб, банклар бошқа турли компаниялар билан ўта мураккаб бўлган муносабатларга киришади ва барча тузилманинг бошида “Асосий банк” туради. У холдинг компанияси мисолида бўлиб, бошқа компаниялар акциялари улушларига (ҳар бирининг низом жамғармасининг 5 фоиздан кўп бўлмаган ҳажмда) эгаллик қилади.

Бу тизим жалб қилинган аъзолар орасида узок муддатли муносабатларни ўрнатишга сабаб бўлады. Асосий ютуқлардан бири банклар томонидан асосий қарздорлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни олишга зарурат бўлмайди. Бундай маълумотларга “Асосий банк” эгаллик қилади ва қолганлари эса унга эргашишади.

Тизимга кирувчи барча молиявий институтлар ва корпорациялар ўз миждозларининг салмоқли акция улушларига эгаллик қилишади, бу, ўз навбатида, улар орасидаги муносабатларини мустаҳкамлайди ва жадаллаштиради.

⁵ <https://arm.sies.uz/>

Айтиш жоизки, барча фарқланишларга қарамасдан самарали корпоратив бошқарувни таъминловчи умумий тамойиллар шаклланиб борди. Улардан бири компания бошқарувига акциядорлар таъсир кучининг ошиб бориши бўлди.

“Японча” моделнинг яна бир хусусияти – “немисча” моделда бўлганидек, ўзаро иш муносабатлари билан боғлиқ компаниялар акцияларига қарама-қарши эгалик қилиш, бу тадбиркорлик гуруҳлари “Кейрецу”нинг ташкил топишида ўз ифодасини топган. Бу гуруҳларга кирган компаниялар одатда ўз акцияларини унинг бошқа аъзоларига сотадилар. Акцияларга қарама-қарши эгалик қилиш “Кейрецу” аъзоларига бир-бирининг фаолиятини назорат қилиш имконини беради ва ўзаро боғланган компаниялар ўртасида яқин ҳамкорликни таъминлайди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, корпоратив бошқарувнинг мавжуд учта модели ўртасидан битта моделни олиб универсал андоза сифатида тадбиқ этиб бўлмайди. Мазку моделлар орасида фарқли жиҳатлар бўлиши билан бирга, уларда айрим ўхшашлик томонлари ҳам бор. Масалан, манбаларда “японча модели”га ўхшашлик жиҳати бўйича корпоратив бошқарувнинг “континентал (герман) модели”га яқин туриши ҳақида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ги ПФ-5992-сонли Фармони.

2. Мамадияров Зокир Тоштемирович банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқариш // Экономика и финансы (Узбекистан). 2021. №5 (141).

3. Умарова М. Ўзбекистонда рақамли банк хизматларини такомиллаштириш йўллари // Economics and education. – 2021.

Мамадияров З. Т. Банкларни трансформация қилиш шароитида масофавий банк хизматлари билан боғлиқ рискларни бошқариш // Экономика и финансы (Узбекистан). – 2021.